

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 73-ҳадис

73 - التَّاسِعُ: عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يُسْأَلُ الرَّجُلُ فِيْمَ ضَرَبَ امْرَأَتَهُ» رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَعَيْبَرُهُ [د 2147، ق 1986].

73. Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эркак кишидан хотинини нима сабаб урганлиги ҳақида сўралмайди», дедилар».

Абу Довуд ва бошқалар ривояти.

Шарҳ: Кўпинча эр-хотин орасидаги содир бўлган нарсаларни бошқаларга гапириш дуруст бўлмайди ёки қариқ кўрилади ёки ҳаромлиги бор ёки ҳаё қилинади. Эҳтимол урилишига сабаб бўлган нарсани айтиш уятли бўлиши мумкин. Унинг сабабини айтса, озор етади. Агар айтмай жим турса, сўровчини таҳқирлаган бўлади. Агар таврия, яъни асл маънодан қочириб гапирса, энди бироз фикрлашга ундайди. Агар жавобни ростини айтмаса, ёлғонга тушиб қолади. Шунинг учун урган кишидан ургани сабаби сўралмайди. Демак урилиш сабабининг зикр қилиниши ҳаром ёки қароҳиятли бўлса, у ҳақда сўраш қабоҳатдир. Ундан ташқари бу каби нарсаларни сўраб, эр-хотин орасига суқулиб, бурун тикиш бефойда нарсаларга машғул бўлиш каби нолайиқ ишлар сирасига кириб қолади.

Албатта, уриш деганда шариат чегарасидан чиқмаган, юқорида зикри келган васфдаги уриш қасд қилинган. Ҳаддан ошиб хотинига зулм қилган эр, албатта масъул бўлади.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI